



## ЗАМОНАВИЙ БОЖХОНА-ЛОГИСТИКА ТЕРМИНАЛЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ: ЧЕГАРАДА ХАЛҚАРО ЮКЛАР ҲАРАКАТИНИ ТЕЗЛАТИШ ЧОРАСИ СИФАТИДА

**Кучаров Аброр Собиржонович** -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Бизнес бошқаруви ва логистика кафедраси  
профессори, и.ф.д.

**Хабибов Рустам Изатуллаевич** -

Давлат божхона қўмитаси Божхона  
институтини бошлиғи ўринбосари

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a53](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a53)

**Аннотация.** Ушбу мақолада чегарада юк ташувлари тирбандлигининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган чоралар етарли эмаслиги муаммоси таҳлил қилиниб, божхона-логистика терминаллари ташкил этиш божхона расмийлаштирувнинг тезлашишига, логистика тизимини ривожлантиришига қўмаклашиши кўрсатилган. Мақолада масалани янада чуқурроқ ўрганиш талаб этиладиган жиҳатлари бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** чегарада тирбандлик, божхона-логистика терминали, божхона пости, божхона расмийлаштируви.

## СОЗДАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТАМОЖЕННО-ЛОГИСТИЧЕСКИХ ТЕРМИНАЛОВ: КАК МЕРА УСКОРЕНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПЕРЕВОЗОК НА ГРАНИЦЕ

**Кучаров Аброр Собиржонович** -

Ташкентский государственный экономический  
университет Профессор «Бизнес-  
администрирования и логистики», и.ф.д.

**Хабибов Рустам Изатуллаевич** -

Государственный таможенный комитет Таможенный  
институт Заместитель начальника

**Аннотация.** В данной статье обсуждены проблема недостаточности принимаемых мер по предотвращению транспортных очередей на границе, поясняется влияние таможенно-логистических терминалов на ускорение таможенного оформления и развитие логистической системы. В статье предложены аспекты, требующие более глубокого изучения.

**Ключевые слова:** скопление на границе, таможенно-логистический терминал, таможенный пост, таможенное оформление.

## CREATION OF MODERN CUSTOMS AND LOGISTICS TERMINALS: AS A MEASURE TO ACCELERATE INTERNATIONAL BORDER TRANSPORT

**Kucharov Abror Sobirzhonovich** -

Tashkent State University of Economics  
Professor of "Business Administration and Logistics", Ds.

**Khabibov Rustam Izatullaevich** -

State Customs Committee Customs Institute  
Deputy Chief

**Annotation.** This article discusses the problem of insufficient measures taken to prevent transport queues at the border, explains the impact of customs and logistics terminals on the acceleration of customs clearance and the development of the logistics system. The article suggests aspects that require deeper study.

**Key words:** congestion at the border, customs and logistics terminal, customs post, customs clearance.

**Кириш.** Мамлакат иқтисодиёти ривожланиши учун экспорт салоҳиятини ошириш, импортни маҳаллийлаштиришда ишлатиладиган хомашё ва янги технологияларни келтириш зарур ва бу, ўз навбатида, ташқи савдо ҳажми ошишига таъсир кўрсатади.

Автотранспорт ташувлари юкни тез ва исталган манзилга етказиб бера олиш жиҳатдан

жуда қулай. Давлат чегара ўтказиш пунктларида божхона постлари туну кун ишлашига қарамай, архитектураси жиҳатдан ўтказиш қобилияти чекланган, расмийлаштирув жараёни муайян вақт талаб этади, юкларнинг чегарада навбатда туриб қолиш ҳолатлари учраб туради. Чегара "қизил" йўлакка тушган юкни тушириш, қайта юклаш, божхона кўриги, сарфланган вақт ва ха-

ражат ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари эътирозига сабаб бўлмоқда.

Масалан, республика очиқ маълумотлар порталига божхона органлари томонидан жойлаштирилган таҳлил маълумотига кўра, 2021 йил июнь ойида энг йирик ўтказиш пунктлари ҳисобланган “Яллама”, “Довут-ота”, “Ойбек”, “Навоий”, “С.Нажимов” чегара божхона постлари орқали ҳаракатланган юк автотранспорт воситалари божхона расмийлаштирувига ўртача 45 дақиқадан 1 соат 51 дақиқагача ташкил этганлиги қайд қилинган [15] (1-жадвал).

Тирбандлик муаммосининг олдини олиш учун божхона органлари юк ва транспорт воситаси ҳақида аввалдан маълумот жўнатиш, автоматлаштирилган чиқариб юбориш, масофавий

электрон декларациялаш, хавфни бошқариш, юк чиқариб юборилганидан кейин божхона назорати, “Ягона дарча” божхона ахборот тизимлари каби янги божхона технологияларини жорий этмоқда. Бироқ масалага бир томонлама ёндашиб ёки ўтказиш пункти ҳудудини кенгайтириш орқали ҳам муаммога тўлиқ ечим топиб бўлмайди. Чегара назорати унинг ҳудудида минимал шахслар ҳаракатланишини талаб этади, қўшни давлат ўтказиш пункти бунга ҳуқуқий ва техник тайёр эмас. Ўтказиш пунктини “бўшатиш” истиқболли таклиф ҳисобланади. Бунинг учун божхона расмийлаштирувининг асосий қисмини пунктдан ташқарига вақтинча сақлаш омборига олиб чиқиш истиқболли кўринади.

1-жадвал

2021 йил июнь ойида айрим чегара божхона постлари орқали ҳаракатланган юк автотранспорт воситалари божхона расмийлаштирувига ўртача сарфланган вақт

Божхона пости	Жойлашган вилояти	Чегарадаги давлат	Жами транспорт	Ўртача вақт
“Яллама”	Тошкент вилояти	Қозоғистон	3096	1:51:07
“Даут-ата”	Қорақалпоғистон	Қозоғистон	2927	1:50:56
“Ойбек”	Тошкент вилояти	Тожикистон	460	1:06:39
“Навои”	Тошкент вилояти	Қозоғистон	796	0:57:18
“С.Нажимов”	Тошкент вилояти	Қозоғистон	94	0:45:17
“Айритом”	Сурхондарё	Афғонистон	371	0:22:03
“Сирдарё”	Сирдарё	Қозоғистон	1318	0:20:29
Андархон	Фарғона	Қирғизистон	5	0:21:40
“Ўзбекистон”	Фарғона	Қирғизистон	165	0:14:10
“Сариосиё”	Сурхондарё	Тожикистон	316	0:10:30
“Қарши-Керки”	Қашқадарё	Туркменистон	97	0:04:00

Натижада, тирбандлик олди олинади, юк божхона расмийлашувидан тўлиқ ўтиб, қабул қилувчига тўғри боради, оралиқ божхона постига киришга зарурат қолмайди. Барча руҳсатномалар олинishi ва хизматлар бир жойда кўрсатилиши таъминланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** “2020-2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самардорлигини ошириш Концепцияси”да божхона операцияларини амалга оширишга кўп вақт сарфланаётганлиги, чегара ўтказиш пунктларининг ўтказиш қобилияти паст даражада эканлиги, ўтказувчанлик имкониятини 3 баробарга ошириш, божхона расмийлаштируви учун сарфланадиган вақтни экспортда 5 баробарга, импортда 2 баробарга қисқартириш чора-тадбирлари белгиланган[1].

Муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 14 декабрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида пойтахтга қунига 130 минг тонна юк катта ҳажмли машиналарда кириши тирбандлик, йўллар сифати ва ҳавонинг тозалигига салбий таъсир кўрсатаётганлигини таъ-

кидлаган. Бунинг учун юк тақсимловчи йирик улгуржи савдо логистика марказларини қуриш топшириғи берилган [14].

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида Тошкент шаҳрида жойлашган “Тошкент-юк саройи” ва “Чуқурсой-юк саройи” темир йўл станцияларини пойтахт атрофига кўчириш ёки модернизация қилиш, Тошкент шаҳрига кириб келишда юкларни тақсимлайдиган 4 та йирик савдо логистика марказини қуриш ва шаҳар ҳудудида жойлашган барча божхона юк омборларини пойтахт ташқарисига чиқариш режалаштирилган [6].

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”да 8 та вилоятда замонавий лабораториялар, санитар-эпидемиологик, фитосанитар, карантин, ветеринария назорати ва божхона терминаллари хизматлари йўлга қўйилган агрологистика комплексларини қуриб, ишга тушириш режалаштирилган [2].

“Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида босқичма-босқич логистика марказларини яратиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг

маҳсулотларини қулай ва ўз вақтида экспорт қилишни таъминлаш вазифаси амалга оширилиши белгиланган [3].

Таъкидлаш жоизки, божхона органлари тизимида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида “Масофавий электрон декларациялаш” божхона постлари фаолияти ишга туширилди. Истиқболда божхона расмийлаштируви учун шаҳарларда жойлашган ТИФ божхона постларига боришга ҳожат қолмайди, экспортда эса юк ҳужжатиغا чегарада муҳр босиб чиқариб юборилади [4]. Демак, бу объектив шароит, юкларнинг божхона расмийлаштирувини давлат чегара ўтказиш пунктига яқин жойда ташкил этиладиган БЛТда амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради.


2019-2020 йилларда “Яллама” ва “С.Нажимов” (Тошкент в.), “Дўстлик” (Андижон вилояти), “Олот” (Бухоро), 2020-2021 йилларда “Доут-ота” (ҚР), “Маданият” (Андижон), “Ўзбекистон” (Фарғона), “Гишткўприк” ва “Ойбек” (Тошкент в.) божхона постлари ҳудудларига туташ ҳудудларда 9 та БЛТ қуриш режалаштирилган эди. Бироқ лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини яратиш, инвесторларни жалб этиш, кредит манбаларини аниқлаш ва умуман давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари ва таваккалчилик хатарлари ишончли кафолатлари

тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги сабабли жараён сустр бормоқда [5].

БЛТларни ташкил этиш Ўзбекистон учун янги ва бу борада тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўз ўрнида МДХ давлатлари тажрибасини мисол келтирсак, масалан, Россия Федерациясида 2011 йилдан буён 53 та БЛТ ташкил қилинган. Германия, Франция, Буюк Британия, Норвегия, Дания ва Финляндияда ярим асрилик тажрибага эга. Замонавий иқтисодий моделлар излаётган давлатлар ва илмий тадқиқотчилар эътиборини БЛТ ўзига тортиб келмоқда. ЖТС ҳамда Бутунжаҳон божхона ташкилотлари тавсияларида алоҳида ўрин тутаяди.

**Тадқиқот методологияси.** БЛТлар фаолиятини ўрганиш бўйича тўпланган маълумотлар, тадқиқот хулоса ва таклифлари таққослаш ва солиштириш орқали таҳлил қилинди, эмпирик тадқиқот натижасида олинган натижалар асосида БЛТни моделлаштиришга ҳаракат қилинди.

**Таҳлил ва натижалар.** “Хўш БЛТ ўзинима?” “Ва у қандай функцияни бажаради?” деган савол туғилиши табиий. Тадқиқотчилар БЛТ чегара ўтказиш пунктларига яқин жойлашган, атрофи ўралган майдонда, товарларни, уларни божхона расмийлаштирувидан ўтказилгунига қадар, божхона назорати остида вақтинча сақлаш жойи, деб таъриф берганлар [7], [8], [9] (1-расм.)



1-расм. БЛТ тузилмаси

Ташқи савдо фаолияти самарадорлиги ошишига бевосита икки омил таъсир қилади: биринчиси, ТИФ иштирокчилари юкларини етказиб бериш операциялари билан боғлиқ харажатларининг камайиши; иккинчиси, божхона назоратида шаффоф, тез, содда, янги божхона технологиялари қўлланилиши. Буларнинг барчасини товарлар БЛТда турган вақтида амалга ошириш ёки қўллаш имконияти мавжуд. Товар сақлашдан токи расмийлаштирувгача бўлган жараёнга кирувчи барча хизматлардан фойдаланишга шароит бир жойда яратилади. ТИФ иштирокчиси манфаатига мос келиши билан бирга, божхона назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади [10].

БЛТ, асосан, икки функцияни бажаради: ТИФ иштирокчиларига қўшимча хизматлар кўрсатиш (ташувларни амалга ошириш, сақлаш ва

божхона брокери, дастлабки маълумотларни жўнатиш хизмати, омборлар, офислар, автотураргоҳлар, овқатланиш, меҳмонхона, суғурталаш, таъмирлаш ва шу кабилар). Божхона назорати ва расмийлаштирувини (назорат, фискал, ахборот-таҳлил) амалга ошириш. Божхона ходимлари божхона мақсадларида юкларни божхона кўригидан ўтказадилар, намуналар оладилар. Шунингдек, БЛТдан товарларни сотувга тайёрлаш мақсадида ҳам фойдаланиши мумкин: юкни қисмларга бўлиш, қадоқлаш, жўнатиш ёки турли давлатлардан келган юкларни қайта партияларга тақсимлаш [8].

Таъкидлаш жоизки, БЛТнинг ўзига хос афзаллик ва камчиликлари ҳам мавжуд. Масалан, кириб келаётган юклар оқими кўп қисмини божхона назорати остига олиш имконияти кўпаяди, божхона қонунчилигига риоя қилиниши-

ни таъминлаш даражаси ошади, божхона самардорлигига таъсир этмаган ҳолда божхона расмийлаштируви вақти қисқаради, чегара ўтказиш пунктлари реконструкциясига харажат қилинмайди, юкларни қайта ташиш сони қисқаради, етказиш вақти ва ташиш қиймати пасаяди, чегара ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва бандлик каби масалаларни ҳал қилиш имконияти яратилади [11].


Шу билан бирга, БЛТ ўтказиш пунктига боғлиқ, муносиб инвестор топиш қийин, инвестор томонидан хизматлар тарифи ҳаддан зиёд оширилиши мумкин; инвестор томонидан зарур инфратузилма яратилмаслиги, малакали кадрларни чегара ҳудудларига жалб этиш қийинлиги, олис жойда ходимлар учун яшаш учун зарур шароит йўқлиги, ТИФ иштирокчиси бошқа божхона омборига юкни тушириш истаги унинг амалга ошишига тўсиқ бўлиши мумкин [7].

БЛТлар транспорт воситалари тури ва юклар турларига қараб ихтисослашиши ҳамда автотранспорт воситалари ўтказиш пункти ўртача ўтказиш қувватидан келиб чиқиб, тоифага ҳам ажратилади.

БЛТ фаолияти қанча юк ва транспорт воситасига хизмат кўрсатганлиги, юклар чегарада

туриб қолмаганлиги каби мезонлар асосида баҳоланади. Ривожланган БЛТлари истиқболда халқаро йирик савдо транспорт халқасини таштирувчи бўғинга айланиши мумкин [12].

БЛТга барча товарлар ҳам жойлаштирилмаслиги ва уларга нисбатан амалдаги божхона расмийлаштируви тартиби сақланиб қолинишини ҳам ёдда тутиш жоиз. Жумладан, саноат корхоналари ишлаб чиқаришида узилиш бўлмаслиги мақсадида етказилаётган хомашёлар; экспресс почта жўнатмалари; маданий бойликлар; тирик ҳайвонлар; кўрғазма юклари; давлат инвестиция лойиҳалари кўмагида олиб келинаётган ёки соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш кўзда тутилган ТИФ иштирокчилари номига келаётган товарлар; қимматбаҳо тош ва металллар; радиоактив, заҳарли ва кимёвий моддалар, жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган ёки улар номига халқаро почтада келган товарлар; қайта ишлаш, вақтинча олиб кириш, эркин божхона зонаси божхона режимларига тушадиган товарлар; ҳарбий-фазовий юклар; фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида олиб келинадиган инсонпарварлик ёки техник юклари [13].



2-расм. Божхона расмийлаштирувининг амалдаги ва таклифдаги босқичлари

Хўш, БЛТ божхона ва ТИФ қатнашчилари учун қандай қийинчилик туғдириши мумкин? Деярли йўқ ва тажрибада кузатилмаган. Маълумки, транспорт ҳаракати икки нуқтада амалга ошади, чегарадан истеъмолчига. Божхона, одатда, бугунги кунда охириги нуқта томонда жойлашган. Унинг бошланғич нуқтага жойлашиши ташиш занжирига деярли таъсир қилмайди, юкларни назорат қилиш жиҳатидан ҳам, юклар истеъмолчига қўшимча манзил орқали бориши камайиши жиҳатдан ҳам афзал ва “эшиқдан-эшикка” принципида ташув амалга оширилади. Божхона постини қабул қилувчи манзил ҳудуди-

да ташкил этишнинг истиқболи йўқ, чунки ТИФ билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда, қисқа вақтдан кейин тугатилаётгани ҳам ундан кам эмас. Шу сабабли чегара ёнида ташкил этиладиган БЛТларда божхона расмийлаштирувини ўтказиш афзал ҳисобланади, деб ўйлаймиз [13] (2-расм).

БЛТларни ташкил этишнинг объектив сабабларини шартли 3 гуруҳга ажратиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

1) бизнес ҳамжамияти мақсадида: халқаро интеграция, ташқи савдонинг ривожланиши, чегара ўтказиш пунктларидаги автотранспортлар

тирбандлиги, ТИФ иштирокчиларининг сарф-харажати қисқартириш, талабга жавоб берадиган ва махсус омборлар етишмаслиги, халқаро юк ташиш йирик йўлакларига қўшилиш;

2) божхона мақсадида: ҳозирги чегара божхона постлари талабга жавоб бермаслиги, юкларнинг ичкаридаги манзилига етиб борганига қадар йўқолиши, божхона расмийлаштируви бир жойда амалга ошиши, божхона назорати бир марта амалга ошиши, масофавий электрон декларациялаш;

3) шаҳарсозлик архитектураси мақсадида: шаҳарларга катта юк автотранспорт воситалари киришини қисқартириш, экологик муҳитни яхшилаш ва техник шовқинни қисқартириш, автопарк, омборлар ўрнига ижтимоий мактаб, шифохона, болалар боғчалари, янги уй-жой ва хиёбонлар қуриш.

БЛТларни ташкил этишда қуйидаги асосий принципларга эътибор қаратиш муҳим:

Умумий тусдаги мақсадларда: давлат чегара ўтказиш пунктига яқин жойда жойлашиши, бино, иншоот, техника яхлит ва ягона ўралган худудда жойлашиши; товарлар сақланадиган махсус жиҳозланган омборлар мавжудлиги; қўриқланадиган режимли объект бўлиши, барча хизматлар фаолияти учун маъмурий хоналар бўлиши; транспорт воситалари тўхтаб туриш учун алоҳида майдон бўлиши ва уларнинг эркин кириб-чиқиши учун етарли кенгликда йўлаклар бўлиши; юклар билан ишлайдиган махсус техникалар мавжудлиги; давлат-хусусий шерикчилик асосида қурилиши; қоидага кўра вақтинча сақлаш 3 ойдан ошмаслиги.

ТИФ иштирокчилари мақсадларида: омборлар етарли, махсус ва музлатгич омборлар бўлиши, юклар жавобгарлик остида бузилмайдиган ва хавфсиз сақланиши кафолатланиши, хизмат сифати яхши ва нархлари мақбуллиги, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун брокерлик ва маслаҳатхона мавжудлиги, хизматлар мавжудлиги (ошхона, меҳмонхона, кутиш, ювиниш, таъмирлаш).

Божхона мақсадларида: божхона назоратининг техник воситалари мавжудлиги, юк ва транспорт воситалари рўйхатга олиниши, божхона назорати остида бўлиши, хавфни бошқариш тизими қўлланилиши, дастлабки маълумотлар электрон юборилиши, божхона расмийлаштирувига тегишли барча ружсат бериш ва сертификатлаш органлари “ягона дарча”га интеграциялашган бўлиши, “брокер+божxonачи” коррупцион занжирини узиш учун масофавий электрон декларациялаш.

БЛТлар тадбиркорлар учун катта сармоя киритишни талаб этиши билан мураккаб кўринса-да, барқарорлик ва долзарблик жиҳатдан тадбиркорлик учун жуда яхши имконият ҳисоб-

ланади. Чунки ҳар бир давлат учун ташқи савдо иқтисодиётнинг муҳим таянчи, уни ривожлантиришга бўлган интилиш доимий ва объектив зарурат, божхона назорати ташқи савдони тартибга солувчи муҳим восита ҳисобланади.

БЛТнинг тижорий қисми хусусий капиталдан шаклланиши сабабли, шубҳасиз, лойиҳа фойда кўришга қаратилган бўлади, унинг бошқаруви хусусий шаклда ташкил этилади.

Давлатнинг хусусий шериги – БЛТда омбор эгаси доимий юклар билан тўла бўлиши ва кўпроқ фойда кўришдан манфаатдор. ТИФ иштирокчилари тезроқ божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, харажатларни камайтиришдан манфаатдор. Моҳиятан бир-бирига тескари манфаатлар бўлса-да, ваколатли иқтисодий операторлар (божхона брокерлари, мамлакат бўйлаб тармоқлашган савдо нуқталарига эга йирик тадбиркорлик субъектлари, халқаро юкларни ташувчи йирик транспорт-экспедиторлик компаниялари, халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари оператор ва провайдерлари, текстиль маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик экспортёр кластерлар, электрон тижорат операторлари) учун жуда яхши имконият, деб ҳисоблаймиз. Уларнинг сони бир нечта бўлиши ундан ҳам фойдали.

**Хулоса ва таклифлар.** Таҳлилимиз кўрсатмоқдаки, юк қабул қилувчи божхона омборига яқинлиги сабабли унга амалдаги божхона расмийлаштируви қониктириши ҳолати инкор қилинмайди. Аксинча, божхона омборларидаги ТИФ божхона постлари шундай истисно ҳолатлар учун ўз фаолиятини сақлаб қолади. Шундай экан, қуйидаги эътибордан четда қолган масалаларни янада чуқурроқ ўрганиш зарур:

1) ТИФ пости қолдириладиган бўлса, техник-иқтисодий ҳисоб-китоб асосларида БЛТда божхона пости очиш керак ёки керак эмаслигини ўрганиш;

2) божхона омборларидан ТИФ божхона постлари чиқиб кетадиган бўлса, омбор эгалари киритган сармоянинг қандай тартибда қопланишини белгилаш;

3) БЛТларнинг ташкил қилинишида давлат ва хусусий улуш миқдори қанча бўлиши, қайси томон қайси йўналишга маблағ ажратиш масаласини ўрганиш;

4) бундан ташқари БЛТда кўрсатиладиган хизматлар тарифи қандай ва қайси идора томонидан белгиланишини ўрганиш;

5) БЛТ фаолияти технологик моделини ишлаб чиқиб, барча иштирокчи органларнинг функциялари алгоритми ва вақт регламентини белгилаб, синовдан ўтказиш;

6) БЛТ фаолиятини баҳолаш мезонлари ва методикасини яратиш;

7) БЛТлар бўйича давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг таваккалчилик хатарлари кафолатлари ҳуқуқий нормаларини ўрганиш.

Аниқ техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида БЛТлар яратилиши республикамизда халқаро логистиканинг ривожланиши, божхона расмийлаштируви қулай ва тез амалга ошиши, чегара ўтиш пунктларида тирбандлик олди олиниши, мамлакатимиз халқаро йирик юк ташув йўлаги занжирига қўшилишига имконият яратилади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилишимиз мумкинки, логистика ва божхонанинг бир занжирда ва уйғунлаштирилган инфратузилмада фаолият олиб бориши объектив зарурат ва афзаллик жиҳатлари кўп. Моҳиятан, логистика юкларни арзон ва қулай ҳаракатга келтиради, божхона назорати уларнинг божхона қонунчилигига риоя этилишини таъминлайди, логистика билан божхона учрашадиган жой божхона чегараси, уларни ўзаро бирга ва ҳамкорлик қилишга тортадиган омил халқаро интеграция ва ташқи савдо ҳисобланади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги ПФ-6005-сонли “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони 1-иловаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони 1-иловаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли фармони 1-иловаси билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси. 2-боб. 23.3-банди.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 сентябрдаги ПФ-6310-сонли “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва Давлат божхона хизмати органлари ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони 1, 2-бандлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сонли “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони 1-банди (хужжат 26.11.2018 ҳолатига).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли қарори.
7. Смирнова Е.А. Таможенно-логистический терминал как ключевой вектор развития таможенного контроля и учета в РФ. Наука сегодня: теоретические и практические аспекты. материалы международной научно-практической конференции, г. Вологда, 27 декабря 2017 г.: в 2 частях. Часть 1. – Вологда: ООО «Маркер», 2018. – 200 с.
8. Тихомиров М.Е. Понятие и сущность таможенно-логистического терминала. // Меж.науч.журн. № 3(05)/2016. С. 97.
9. Абакаров Р.Г. Роль таможенно-логистических терминалов в ускорении перемещения товаров. / Р.Г. Абакаров. // Неделя науки – 2015: Сборник тезисов докладов XXXVI итоговой научно-технической конференции преподавателей, сотрудников, аспирантов и студентов ФГБОУ ВО «Дагестанский государственный технический университет», Махачкала, 21-25 апреля 2015 года. / Под ред. Т.А. Исмаилова. – Махачкала: Издательство КИТ, 2015. С. 312-313.
10. Шатохина О.С. Важность развития таможенно-логистического терминала. Белгородский гос.нац.исслед.университет. // Научно-практический электронный журнал Аллея Науки. № 9. 2017 [www.alley-science.ru](http://www.alley-science.ru)
11. Басарева, К.В. Таможенные процедуры в таможенном союзе ЕврАзЭС. Учебное пособие. / К.В.Басарева, В.В.Чемодуров, М.Е.Тихомиров, И.В.Минакова, В.В.Коварда. // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2014. № 3-2. С. 236-237.
12. Терехова, Е.А. Таможенно-логистический терминал как место реализации таможенных услуг. / Е.А.Терехова. // Актуальные вопросы экономики и управления в российских организациях в инновационной экономике: Материалы Всероссийской заочной научно-практической конференции, Астрахань, 15 декабря 2017 года. – Астрахань: Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего профессионального образования «Астраханский государственный университет», 2017. С. 332-335. Архипов А.Ю. Институты особой экономической зоны и приграничной торговли как структуры эффективного развития международной инвестиционной деятельности. Монография. / А.Ю.Архипов, П.В.Павлов, А.В.Татарова. // Таганрог: изд-во ТТИ ЮФУ, 2011. – 294 с.
13. Протокол № 6 Заседания Общ.консул.совета по таможен.политике при ФТС России. 18.12.2008. Из доклада нач. анал. управ. ФТС Ивина В.В. сайт ФТС России. <https://customs.gov.ru/folder/88681/document/88682>.
14. Президент Тошкентдаги тирбандлик муаммосини ҳал қилиш чораси ҳақида гапирди. Интернет ахборот ресурси. <https://kun.uz/news/2021/12/14/prezident-toshkentdagi-tirbandlik-muammosini-hal-qilish-chorasi-haqida-gapirdi>.
15. Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали. Чегара божхона постлари орқали ҳаракатланган юк автотранспорт воситалари божхона расмийлаштирувига сарфланган ўртача вақт таҳлили (2021 йил июнь ойи бўйича). <https://data.gov.uz/uz/datasets/9140>.